

ПАХТАНИ ТОЗАЛАШ ҚАЙТАЛИГИНИ ҚОЛДИҚ
ИФЛОСЛИКГА ТАЪСИРИ

М.Э.Нарзуллоева – ассистент.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация. Мақолада машинада терилган пахтани тозалаш қайталигини пахтадаги қолдиқ ифлослик миқдорига таъсири ўрганилган бўлиб, уни ортиқча қайта тозалашни самараси паст эканлиги кўрсатилган. Пахта тозалаш корхоналарида ўрнатилган УХК тозалаш ускунасини параллел ишлаши афзаллиги тўғрисида тавсия берилган. Мавжуд пахтани тозалаш оқимида бошланғич ва охириги тозалаш секцияларида қозиқчали барабанларни сонини ошириш тозалаш самарадорлигига ахамиятли даражада таъсир этмаслиги ва электр энергия сарфи ортиқча бўлишига олиб келиши кўрсатиб ўтилди.

Аннотация. В статья изучена влияния кратности очистки хлопка-сырца машинного сбора на остаточный засорённости, показана низкую эффективность излишние кратности очистки хлопка-сырца. Рекомендовано об преимущество параллельной работат очистительной линии УХК на хлопкаочистительном заводов. Показано не существенное влияние увеличения количества колковых барабанов в начальной и конечной секциях в действующей поточной линии очистки на очистительный эффект, что приводит к повышению расхода электрической энергии.

Annotation. The article studies the effect of fineness of cleaning raw cotton on residual clogging, shows low efficiency of excessive cleaning of raw cotton. Recommended advantages of parallel operation of the UHK cleaning line at the cotton ginning plant. It is shown that the increase in the number of peg drums in the initial and final sections in the current cleaning line has no

significant effect on the cleaning effect and leads to an increase in the consumption of electric energy.

Республиканинг барча пахта тозалаш корхоналарида пахтани майда ифлосликлардан тозалаш учун қозикчали барабанли, йирик ифлосликлардан тозалаш учун эса аррачали барабанлардан фойдаланилади [1].

Пахтани бошланғич ифлослигига қараб қозикчали ва аррачали барабанларда тозалаш қайталигини танлаб олиш ҳисобига керакли тозалаш самарадорлиги эришилади. Хозирда пахтани тозалаш учун 1ХК ва УХК русумли тозалагичлардан иборат бўлган тозалаш оқими ўрнатилган бўлиб, улар асосан 20 та қозикчали барабан ва 3 та аррачали барабан секцияларидан иборат бўлиб икки қатор ўрнатилган. Тозалаш оқими параллел ёки кетма-кет ишлаши мумкин. Қўлда терилган пахталарни тозалашда пахта нави ва ифлослигига қараб 4,5 ва 6 t/soat иш унумдорлигида параллел ишлашади [2-3].

Республикада машинада пахта териш ҳажми ошганлиги сабабли уларни тозалаш муаммоси вужудга келмоқда. Сабаби машинада терилган пахтани бошланғич ифлослиги ва намлиги юқори бўлиб уни тозалаш қўлда терилган пахтага нисбатан қийинроқ [4].

Натижада керакли тозалаш самарадорлиги (пахта нави ва сифатига қараб 85-95 %)га эришиш учун баъзи пахта тозалаш корхоналарида УХК тозалаш оқими кетма кет ишлатилмоқда. Буни камчилиги биринчидан пахта 6 та аррачали 40 та ва ундан ортиқ қозикчали барабанлардан ўтиши натижасида тола ва чигит сифати пасаяди, иккинчидан пахтани тозалаш таннархи ошади. Ундан ташқари иккинчи қатордаги тозалагичларни самарадорлиги уларга сарфланаётган электр энергияга яраша бўлаяпдими бу номаълум. Шу сабабли тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” кафедраси қошидаги лабораторияда икки қатор ўрнатилган УХК тозалаш

ускунасини кетма-кет ишлаш самарадорлигини аниқлаш учун тажриба синовни ўтказилди. Тажриба ўтказиш ускунаси иккита аррачали барабан секцияси ва уларни орасига ва икки четига ўрнатилган тўрттадан қозиқчали барабанлардан иборат бўлиб, ундан 15 кг пахта 6 t/soat иш унумдорлигида ўтказилди. Аррали ва қозиқчали барабанларни геометрик ўлчамлари УХК тозалаш оқими барабанлари билан бир хил бўлиб, фақат узунлиги 6 марта кичик (33 см) тайёрланган. Пахтадан намуналар олиниб ЛКМ лаборатория ускунасида ифлосликлари аниқланди. Тажриба С 65-24 1-нав машинада терилган ифлослиги майда ифлослик бўйича 9,96%, йирик ифлослик бўйича 2,96% бўлган пахтада ўтказилди. Тажриба натижалари жадвалда келтирилган.

Жадвал

Машинада терилган пахтани тозалаш натижалари

№	Кўрсатгичлар	қайтали к	Тозалаш ускунасида пахтани тозалаш				
			1	2	3	4	
	Пахтани ифлослиги %						
1	Майда	1	5,85	4,24	3,22	2,10	
2		2	5,58	4,30	2,85	2,06	
3		3	5,64	4,27	3,17	2,01	
4		ўрта	5,69	4,27	3,08	2,06	
5	Йирик	1	2,02	1,6	1,50	1,36	
6		2	1,88	1,9	1,42	1,10	



7		3	1,95	1,66	1,40	1,26
8		ўрта	2,01	1,72	1,44	1,24
9	Умумий	1	8,05	5,84	4,72	3,46
10		2	7,52	6,20	4,27	3,16
11		3	7,53	5,93	4,57	3,27
12		ўрта	7,70	5,99	4,52	3,30

Жадвалдан кўриниб турибдики тозалашни биринчи ва учунчи кайталигида пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш нисбатан яхши бўлиб уларни ифлосликлари мос равишда майда ифлослиги бўйича 1,42, 1,19, 1,02% га йирик ифлослиги бўйича эса 0,95, 0,29 ва 0,28% га камаймоқда. Лекин иккинчи қаторга мос келадиган қолган 4-6 тозалаш кайталигида пахта ифлослигини пасайиши унча сезиларли эмас. Майда ифлослик бўйича мос равишда 0,42, 0,28 ва 0,28% ни, йирик ифлослик бўйича эса 0,2, 0,25 ва 0,19% ни ташкил этмоқд. Бу албатта паст кўрсаткич бўлиб иккинчи қатор тозолагичларини самарадорлиги аҳамиятсиз эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда Республика пахта тозалаш корхоналарида асосан пахта 4 хил вариантда тозаланмоқда. УХК тозалаш оқими эса бир нечта 3 та ёки 4 та аррали секциядан иборат бўлиб, пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалайди.

1 ХК тозолагичлар УХК тозалаш оқимининг бошланғич қисмига ва охирига 8 та ёки 4 тадан қозикчали барабан билан ўрнатилади.

1-вариант. Қозикчали барабан 32 та, аррали барабан 4 та, сарфланадиган электрэнергия 76-кВт. Биринчи вариантда қозикчали барабан бошланғич қисмига ва охириги қисмига 8 та қўйилади.



2-вариант. Қозикчали барабн 24 та, аррачали барабан 4 та сарфланадиган қувват 64-кВт.

3-вариант. Қозикчали барабан 28 та, аррачали барабан 3 та сарфланадиган қувват 63-кВт.

4-вариант Қозикчали барабан 20 та, аррачали барабан 3 та сарфланадиган қувват 51-кВт.

Олинган натижалар УКХ пахта тозалаш ускунасини икки қаторини кетма-кет ишлатиш самараси паст эканлигини кўрсатмоқда.

Мавжуд пахтани тозалаш оқимида бошланғич ва охирги тозалаш секцияларида қозикчали барабанларни сонини ошириш тозалаш самарадорлигига ахамиятли даражада таъсир этмаслиги ва электр энергия сарфи ортиқча бўлишига олиб келишини кўрсатди.

Адабиётлар

1. Пахтани дастлабки ишлаш мувофиқлаштирилган технологияси (ПДИ 70-2017). “Ўзпахтасаноат” АЖ. Тошкент 25-28 б.
2. Шамсиев И.Р., Парпиев А.П., Пардаев Х.Н. Машинада терилган пахтани тозалаш самарадорлиги таҳлили. ТТЕСИ. Республика илмий-амалий анжумани 1-шуба. Тошкент 2017 й. 75 б.
3. Справочник по первичной обработке хлопка книга 1. Тошкент, меҳнат. 1994 с 573
4. Умарходжаев Д.Х. Парпиев А. Машинада терилган пахтани қайта ишлашни ўзига хос хусусиятлари. ТТЕСИ. Магистратура талабаларининг илмий мақолалари тўплами. Тошкент 2014. 46-51б.

